

НАЙЛАРАМ УЛ ЖАННАТИ, ИЧИНДА ДИЛДОР БЎЛМАСА

Рустам Абдуллаев

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти

Аннотация: Ушбу мақолада Шоҳ Исмоил Хатойининг ҳаёт йўли, ижодий ва сиёсий фаолияти ҳақида тарихий манбалар асосида мулоҳазалар келтирилган. Шунингдек, унинг туркий тиллар ривожига қўшган хиссаси, ўзбек ва озарбайжон адабиётидаги ҳамоҳангликлар, лисоний, лексик, фонетик, морфологик муштараклик мавжудлиги ҳақидаги мулоҳазалар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: адабиёт, санъат, лингвистика, морфология, фонетика, Исмоил Хатой, туркий тил, ғазал, дoston

NAYLARAM UL JANNATI, ICHINDA DILDOR BULMASA

Rustam Abdullaev

Uzbekistan State Institute of ArtS and Culture

Abstract: This article presents comments on the life path, creative and political activities of Shah Ismail Khatai based on historical sources. His contribution to the development of Turkic languages, harmony in Uzbek and Azerbaijani literature, linguistic, lexical, phonetic, and morphological communities are also analyzed.

Keywords: literature, art, linguistics, morphology, phonetics, Ismail Hatay, Turkish language, ghazal, epic

КИРИШ. Сарлавҳадаги ушбу ўтли сатрлар муаллифи Шоҳ Исмоил Хатой (1487 йил, Ардабил - 1524 йил, 25 май, Ардабил, Дорул-иршод мақбараси) туркий халқлар тарихида бир қўлда қиличу, бир қўлда қалам ушлаган ҳолда чуқур из қолдирган атоқли шахсдир. Унинг ҳозирги Эрон ҳудудида ҳукм сурган Сафавийлар давлатининг асосчиси сифатида туркий тилни (озарбайжон) тилини давлат тили даражасига кўтарган, Табризни ўз даврининг маданият, фан ва санъат марказига айлантира олган шоҳ сифатида озарбайжон қардошларимиз томонидан юксак қадрланади. Давлатнинг олий нишонларидан бири - “Шоҳ Исмоил” ордени таъсис этилган, кўплаб географик номлар унинг номи билан аталади, унинг хотирасига бағишланган илмий анжуманлар ўтказиб турилади, Шоҳ Исмоил ҳаётини акс эттирувчи бадий асарлар, сахна асарлари яратилган. Буларнинг ҳаммаси Шоҳ Исмоил Хатойининг Озарбайжон халқи олдидаги хизматларининг эътирофидир.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ. Шоҳ Исмоил Хатойӣ ҳаётининг паст-баланд нуқталарини ҳар ҳисобга олмасдан туриб, унинг шахсига ва ижодига баҳо бериб бўлмайди. Унинг отаси Шайх Ҳайдар ўзини Муҳаммад пайғамбар авлодларидан деб ҳисобловчи таниқли Шайх Сафиаддиннинг ўғли бўлган. Унинг она томонидан бобоси Узун Ҳасан Оққуюнлилар давлатининг ҳукмдори ҳисобланган. Узун Ҳасаннинг вафотидан сўнг ушбу сулоланинг шахзодалари ўртасида тож-тахт учун курашлар, қирғинбарот урушлар авж олади. Унинг отаси Шайх Ҳайдар тарқоқ бекликлар ўрнида марказлашган давлат куришга ҳаракат бошлайди. Лекин унинг сиймосида қудратли сиёсий рақибни кўрган ўз қайноғаси Яъқубхон томонидан хиёнаткорона ўлдирилади. Шундан сўнг, 7 ёшли Исмоил ўз онаси Оламшоҳбейим ва акалари билан бирга Истахр қалъасига бандиликка маҳкум этилади. Бир неча йиллик бандиликдан озод бўлгач, Шайх Ҳайдарнинг тарафдорлари унинг оила аъзоларини Эрон Ғилонистонидаги Лаҳижан (ғилонча Ложун) шаҳрида асраб қолишга ҳаракат қилишади, бўлғуси ҳукмдор ўз замонасининг атоқли олими Шамсиддин Лаҳижаний қўлида таҳсил олади, араб, форс тилларини мукамал ўрганади, кўп фанларни ўзлаштиради.

НАТИЖА ВА МУҲОКАМАЛАР. Ҳукмдорлар авлодидан бўлганлиги сабабли балоғат ёшига етаётган Шоҳ Исмоилнинг боболари мероси учун кураш бошлаши ўз даври учун табиий ва қонуний ҳолат эди. Оғир жангу жадаллардан сўнг Исмоил Оққуюнлилар ҳукмдори Алвендо Мирзони тахтдан маҳрум қилгач, 1502 йилда Табризда ўзини шахоншоҳ деб эълон қилади. Шу тариқа расман Қизилбошлар давлати (*Давлати қизилбоши*) деб аталмиш Сафавийлар давлатига асос солинади. Шундан сўнг у ўзининг ички ва ташқи рақибларига нисбатан музаффарона курашларини шиддат билан давом эттиради, ўз давлати ҳудудини бир неча марта кенгайтиришга, сарҳадларни мустаҳкамлашга муваффақ бўлади.

Афсуски, туркий халқларнинг асрий фожеаси - бир-бири билан келишиб, ташқи душманларга қарши курашиш ўрнига ўзаро чоҳ қазииш анъанаси Шоҳ Исмоил Хатойӣ тимсолида ҳам яна бир бор намоён бўлади. Шу ўринда умумтуркий тарихнинг қора саҳифаларини ташкил қилувчи уч туркий ҳукмдор, уч буюк шоир - Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Муҳаммад Шайбонийхон ва Шоҳ Исмоил Хатойӣ ўртасидаги муносабатларни эслашнинг ўзи кифоядир. Қолаверса, Шоҳ Исмоил Хатойӣ ва турк султонлари ўртасидаги майда-чуйда ихтилофлар катта муҳорабаларга сабаб бўлади. Бу ўринда Шоҳ Исмоил Хатойӣни кейинги забткорлик ҳаракатларидан бутунлай тийилишга мажбур қилган 1514 йил 23 августдаги Чалдирон текислигидаги жангни назарда тутмоқдамиз. Шоҳ Исмоил усмонийлар билан бўлган мазкур жангда биринчи марта мағлубият аламини чекади. Ушбу мағлубликдан кейин Шоҳ Исмоил Хатойӣ ўз ҳудудларининг муайян қисмини қўлдан бой беради ҳамда қўшни давлатлар билан, бир-икки кичик низони ҳисобга олмаганда, барча ҳарбий

ҳаракатларни тўхтатади ва умрининг қолган қисмини фан ва маданиятни ривожлантиришга, мамлакат аҳлини фаровон қилишга бағишлайди. Унинг бу йўлни танлашига Чалдирон жангидан кейинги бир-икки шахсий ҳолатлар ҳам сабаб бўлган бўлса керак, назаримизда. У нимагадир икки рафиқаси Баҳруза хоним ва валиаҳд шахзода Тахмасп Мирзонинг онаси Тожли хонимни Чалдиронда қолдиради. Ҳар икки аёл эркаклар либосини кийиб, ёғийга қарши аёвсиз жангга киришади. Аммо Баҳруза хоним усмонийлар султони Салим Явуз томонидан асирликка олинади. Шоҳ Исмоил Хатойининг барча илтимосларига қарамасдан султон Салим Явуз ўз даври учун хос бўлган уруш қоидаларини бузиб, Баҳруза хонимни қайтармайди ва уни қандайдир сарой шоирига жорияликка беради. Табризни талаган Салим Явуз Тожли хонимни озод қилиш эвазига Шоҳ Исмоил Хатойидан ўз ҳудудининг бир қисмини талаб қилади. Табиийки, Шоҳ Исмоил Хатойи бу талабга кўнмайди. Кейинроқ, Месихбек исми кишининг ихтиёрига берилган Тожли хоним эса, бор қимматбаҳо тақинчоқларини озодликка чиқади. Шоҳ Исмоил Хатойи бу ҳақоратомуз ҳолат учун ўзини доимо гуноҳкор санаган, бу иснодни ўзи учун бир умр ўлимга тенг деб қабул қилган. Кези келганда айтиб ўтиш керакки, кейинги тадқиқотлардан маълум бўлишича, икки туркий ҳукмдор ўртасида муҳораба келиб чиқмаслиги мумкин эди, фақат улар католиклар томонидан уларни бир-бирига атайлаб қайраш фитнаси ташкил этилаётганлигини англаб етишганида. Ушбу фактга таянган ҳолда биз яна уч туркий ҳукмдор Бобур, Шайбонийхон ва Исмоил Хатойи ўртасида чигал муносабатларнинг юзага келишида ташқи “ҳомийларнинг” фитналари ҳам роль ўйнамаганмикан? деган фикрга бормоқдамиз. Бизнингча, у ёки бу томонга ён босишдан аввал, тарихчиларимиз бу масалани Европа манбалари асосида ҳам ўргансалар, ўтмишдаги муносабатлар тарихига ойдинлик киритилган бўлар эди. Шоҳ Исмоил Хатойи таржимаи ҳолида, аниқроғи ўғилларининг исмида, бизнингча, бир ғалати ҳолат учрайди. Унинг беш ўғлидан тўрт нафарининг исмига одатда темурий шахзодаларга нисбатан қўлланилувчи Мирзо сўзи қўшиб ишлатилган - Рустам Мирзо (ёшлигида вафот этган), шоҳ Тахмасб (10 ёшлигида тахтга чиққан), Сом Мирзо, Олғас Мирзо ва Баҳман Мирзо. Бу нимани англатади?

Шоҳ Исмоил Хатойининг номи туркий тилда юксак мақомда ғазаллар, дostonлар битган шоир, туркий тилни давлат тили даражасига кўтарган, шимолий Эроннинг туркийлашуви йўлида беқиёс хизмат қилган, Камолиддин Беҳзод, Муҳаммад каби мусаввирларга ҳомийлик қилган ҳукмдор, Табриз миниатюра мактабига асос солган, ўзи ҳам гўзал расмлар чизган, хаттотлик бобида пешқадам бўлган мусаввир, Марғиёндаги Носириддин Тусий асос солган расадхонани қайта тиклаб, илм-фан аҳлини Табризда тўплаган инсон сифатида барча туркий халқлар учун қадрли бўлиши керак. Унинг қаламига мансуб

«Насихатнома», «Дахнома» каби дostonлар Шоҳ Исмоил Хатойнинг фалсафа, астрономия, математика, мусиқа, адабиёт бобида теран билимга эга шахс бўлганлигини кўрсатади. У барбат сози жўрлигида кўшиқ айтиш бўйича ўз замондошларини ҳайратга солган. Атоқли шоир Физулий бекорга ўзининг шоҳ асарларидан бирини Шоҳ Исмоил Хатойга бағишламаган, уни “ўз даврининг подишоҳи” деб атамаган. Эътиборлиси шундаки, Шоҳ Исмоил Хатойнинг машҳур хаттот Шоҳ Маҳмуд Нишопурий кўчирган энг қадимий кўлөзма девони Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг хазинасида сақланади.

ХУЛОСА. Эътироф этиш керакки, Шоҳ Исмоил Хатойнинг ғазаллари ва дostonлари 16 асрдаги туркий адабиётнинг энг гўзал намуналари қаторига киради ҳамда алоҳида ўринга ва нуфузга эгадир. Сатрлардаги соддалик ва қофиялардаги ўйноқилик унинг асарларига алоҳида жозоба бағишлайди. Сўзларда унли товушларнинг ўз ўрнида ва керакли микдорда ишлатилиши Шоҳ Исмоил Хатой ғазалларининг мусиқий жарангдорлигини оширган. Унинг 400 га яқин ғазалининг ҳаммаси бугунги кунда ҳам озар кўшиқчилари томонидан барча давраларда маҳорат билан ижро этилаётганлиги фикримизнинг далилидир.

Шоҳ Исмоил Хатой ғазаллари ва дostonларининг тилида эски ўзбек адабий тили билан ҳамоҳангликлар, қарийб тўла лисоний, лексик, фонетик, морфологик муштараклик мавжуд. Бизнингча, бу масала тилшуносларимиз томонидан туркий тилларнинг тараққиёти ва бир-бирига таъсири нуқтаи назаридан ўрганилиши керак бўлган алоҳида мавзудир.

Шоҳ Исмоил Хатойнинг ғазаллари ва дostonлари диний мутаассибликдан, тож-тахт учун курашлардаги рақибларга нисбатан нафрат руҳидан холилиги туфайли ҳам қадрлидир, ёрга, юртга бўлган севги-муҳаббат унинг асарларининг бош ғоясини ташкил этади. Шарқ адабиётидаги Фарҳоду Ширин, Лайли ва Мажнун, Шайх Санъон, инсоний гўзаллик рамзи Юсуфи Канъон каби ўлмас тимсолларга қайта-қайта мурожаат қилиниши бежиз эмас. У бекорга ёзмаган: “Найларам ул жаннати, ичинда дилдор бўлмаса”.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Rukhitdinovna, I. Z. (2023). PHILOSOPHICAL INTERPRETATION OF THE RELATIONSHIPS OF ZAKHIRIDDIN MUHAMMAD BABUR AND ISMAIL SAFAWI. *International Journal of Intellectual Cultural Heritage*, 3(1), 67-79.

2. кызы Аскерзаде, Л. С. (2022). FƏRİDƏDDİN ƏTTAR, GÜLŞƏHRİ VƏ ƏLİŞİR NƏVAİ: “ŞEYX SƏNAN”. *МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ АЛИШЕРА НАВОИ*, 2(2).